

*Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Тошкент ислом университети*

***НАВҚИРОН АВЛОД***  
*талабалар шеърий тўплами*

(2-қисм)

Тошкент  
2010 йил

**Муҳаррир:**

Мирзо Кенжабек  
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир*

**Масъул муҳаррир:**

Ш.Акмалов  
*сиёсий фанлар номзоди, доцент*

**Такризчилар:**

Н.Муҳамедов  
*тарих фанлари номзоди, доцент*

И.Остонакулов  
*филология фанлари номзоди, доцент*

**Нашрга тайёрловчи:**

Ғ.Бобожонов

## *Дил изҳори*

Илм-фаннинг турли соҳаларида беқиёс кашфиётлар қилган аجدодларимиз шеърятнинг энг гўзал намуналарини яратишган. Мадрасаларда Қуръон, ҳадис, фикҳ каби ислом илмлари бўйича бир қанча китобларни мутолаа қилган алломаларимиз Навоий ғазаллари, Бедилнинг фалсавий мисралари, Машраб тасаввуфи, Яссавий ҳикматларидан минглаб байтларни ёддан билишган. Ўз даврида илм аҳллари ўртасида шеърхонлик, мушоира кечалари ўтказиш анъанага айланган.

Тошкент ислом университети талабалари ана шундай азалий қадрият ва анъаналардан келиб чиқиб, ҳам дунёвий, ҳам диний илмларни эгаллаш билан бир қаторда бўш вақтларида бадий ижод намуналари билан шуғулланишади. Бу ўринда, айниқса, айрим талабалар қалблари илҳом ила жўшиб шеърлар битиши кувонарли ҳолдир.

Соғлом эътиқод билан ёзилган Она юртга муҳаббат, ватанпарварлик, инсонларга меҳр-оқибат каби фазилатлари тараннум этилган шеърлар ўқувчига завқ бағишлайди. Уларнинг қалбида эзгулик куртаклари ниш уришида шеърятнинг жозибали ва мафтункор олами муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент ислом университети ижодкор талабаларининг шеърларидан ташкил топган ушбу мўъжаз тўплам илк маратаба чоп этилмоқда. Муҳими, университет иқтидорли талабаларининг ижод намуналари ёшлар қалбида она Ватанига муҳаббат, аجدодларимиз меросига нисбатан ифтихор туйғуларини уйғота олса, ажаб эмас.

**Зоҳиджон Исломов,  
Тошкент ислом университети проректори**

*Ёшлик-умр баҳори*

**Шарифа МИРЗАҲАМДАМОВА**  
**Тошкент ислом университети битирувчиси**

**Ёшлик – умр баҳори**

Ёшлигим, субҳидам наҳорим менинг,  
Ҳаётда энг улуғ имконим менинг,  
Қўл чўзсам, етгудай осмоним менинг,  
Ўзингсан, ёшлигим, умрим баҳори.

Ёшлигим, сендадир илму маърифат,  
Сендадир эзгулик меҳру муҳаббат,  
Аллоҳ ато этган қувват, шижоат,  
Ўзингсан, ёшлигим, умрим баҳори.

Ёшлигим, бой берма, ҳар бир онингни,  
Мустақил юрт берган кенг имконингни,  
Ўрганай чин дилдан бор ирфонингни,  
Ўзингсан, ёшлигим, умрим баҳори!

**Осмондаги ой**

Менда ажиб истак уйғонди бугун,  
Қалбимда порлади ёрқин бир учкун,  
Бундай орзу келди, билмадим нечун?  
Осмондаги ойга айлангим келди.

Фазо кенг бахиллик кўрмасдим асло,  
Бутун борлиқ мени алқарди ҳатто,  
Бўлардим зулматни ёритган зиё,  
Осмондаги ойга айлангим келди.

Юздаги доғимни давлат, билардим,  
Адашган инсонга йўл кўрсатардим,  
Соғинган ёрига тимсол бўлардим,  
Осмондаги ойга айлангим келди.

### **Бурчинг адо эт**

Ҳидоят йўлин тут ва топгин камол,  
Сендан фахрланиб яшасин ҳар он,  
Кўллари дуода, нур юзли, ҳалол –  
Отанг олдидаги бурчинг адо эт.

Алла айтиб бешигингни тебратган,  
Волиданг – у сенга ҳаёт ўргатган,  
Меҳрингни аяма, кўнглин ол, ҳар дам,  
Онанг олдидаги бурчинг адо эт.

Ёшлар учун чексиз яратххўлмкон,  
Ватан олдидаги бурчинг адо эт.  
Ишончин оқлагин, таратиб ирфон,  
Халқинг олдидаги бурчинг адо эт.

### **Эзгулик биноси**

Бордир инсоният ичра моҳият,  
Ундадир мужассам бахту саодат:  
Инсонлар у сабаб топар ҳидоят,  
Эзгулик йўллари - бахтнинг калити.

Бордир инсоният аро бир ҳикмат:  
Унда бор халққа хос улуғ кадрият,  
Кўнгиллар у билан топиб ҳаловат,  
Яхшилик зиёси – инсон зийнати.

Донишмандлар битган панду насиҳат,  
Улуғ солиҳлардан бизга зўр ҳиммат.  
Элда маъмурчилик, юртда хуррият,  
Осуда, тинч ҳаёт – Ҳақ инояти.

### **Саҳна**

Ҳаёт асли катта саҳнага қиёс,  
Рол ўйнаймиз унда борича имкон.  
Куламыз яшириб кўз ёшимизни,  
Қувончни сездирмай тўкамыз гирён.

Ёқмаган одамга жилмайиб боқиб,  
Энг гўзал тилаклар изҳор этамыз,  
Яшириб юракнинг туғёнларини,  
Севган кишимиздан йироқ кетамыз.

### **Садоқат нимада?**

Садоқат нимада? У матонатда,  
Мустаҳкам эътиқод, ихлосда асли.  
Хайрли сўзларда ва мурувватда,  
Ростгўйлик зеб берган вафодан қадри.

Садоқат нимада? У шижоатда,  
Метиндек мустаҳкам содиқлар шашти.  
Намоён ҳар лаҳза пок муҳаббатда,  
Қуёшдек нур сочар меҳрдан тафти.

Садоқат нимада? У саодатда,  
Юрт учун сарфланган ғайратда бахти.  
Пешона тер тўкиб қилган меҳнатда,  
Оламга нур сочган ирфондан фахри.

**Истак**

Мажнунтолга сирларим айтсам,  
Эгиб олди сувга бошини.  
Сукутига чўмилди балки,  
Кўтаролмай тақдир тошини.

Палаҳмоннинг учқур тошлари,  
Ялинаман: отилманг йироқ.  
Қодир эгам, Парвардигорим,  
Айлагайсан бахтимни порлоқ.

Эй, тақдирнинг тоғдек тошлари,  
Мени чин дўст ёнига чорланг.  
Яхшиликка буткул йўғрилган,  
Тоза қалблар қаърига жойланг.

Мени бахтнинг боғига отинг,  
Англаб яшай ҳадду қадримни.  
Ёлвораман Сенга Аллоҳим:  
Мажнунтолдек эгма қаддимни.



## Шаҳноза ҲАСАНОВА

Тошкент ислом университети магистранти

### Аёл

Сенинг хаёлингда яшагим келар,  
Кўнглинг уммонига айлангим келар,  
Нафосат-ла бешик тебратганингда,  
Нозик қўлларингга талпингим келар.

Муҳаббат қасрининг маликасисан,  
Хонадон бекаси, сариштасисан,  
Моҳимсан, юртимнинг фаҳри, иқболи,  
Ҳаётга безаксан, йигит бахтисан.

Шоирлар шеър ёзса, илҳоми бўлдинг,  
Ҳофиз куйларининг осмони бўлдинг.  
Муҳаббатга ташна танҳо юракнинг,  
Дардининг давоси, ороми бўлдинг.

Гўзаллик олами азал, бор экан,  
Шу бахтга аёллар сазовор экан.  
Садоқат, вафога бўлар у хайкал,  
Жаннат ҳам аёлга интизор экан.

Ижод дунёсида эй, сирли хаёл,  
Кўнглим осмонида юлдузсан, аёл!  
Доимо эъзоз топ, улуғлан, бор бўл,  
Меҳр дарахтига илдизсан, аёл!

### Оққуш

*(Айтишларича, оққуш жуфтидан ажралса, унга содиқ қолиб,  
ўзини ўлдираркан)*

Оққушим, оппоқ қушим,  
Қалбга олов ёқ, қушим.  
Насиб этсин жуфт учиш,  
Қолма асло тоқ қушим.  
Ишқни хор этганларга  
Мангу дарсдир саботинг.  
Сен садоқат тимсоли,  
Бунга далил ҳаётинг.

## Қоялар

Оила суянчи оталар бўлса,  
Ўғиллар-уларнинг чин мададкори.  
Хонадон таянчи оналар бўлса,  
Қиз бола уларнинг номуси ори.

Отанинг парвози юксалса, билинг,  
Учқур қанотлари бақувват унинг  
Она беғам бўлиб, кўзлари кулса,  
Билингки, номуси пок эрур унинг.

Дейманки: қанотлар толмасин сира,  
Тўсмасин оналар кўзин соялар.  
Ҳамиша имон бер ҳар ўғил-қизга,  
Омон бўлсин ота-она – қоялар...

\*\*\*

Юраксиз бўлсанг ҳам тақдирдан дема,  
Севиб, севилишинг мумкин дир ўзинг.  
Кераксиз бўлсанг ҳам тақдирдан дема,  
Жузъий иродага моликсан ўзинг!

Тўғри, тақдир азал – Аллоҳнинг иши,  
Лекин, ихтиёрга мос дир қилмиши.  
Манглайи шўр эмас, бахти кенг бўлур,  
Агар яхши йўлдан юрса ҳар киши!

## Тўртликлар

Тақдир деганлари шўр бўлмасин ҳеч,  
Кўнгил дунёлари кўр бўлмасин ҳеч.  
Ишқ қасри садоқат бирла қурилсин,  
Аммо севги деган ғўр бўлмасин ҳеч.

\* \* \*

Баҳор СЕЁЁЕа келди ўша муҳаббат,  
Икки қалб риштасин қилди занжирбанд.  
Гўёки ёз каби кўнгил яйради.  
Лек кузнинг келиши айрилиқ ҳар вақт.

\* \* \*

Гоҳо хаёл суриб, ўйга толаман:  
Не сабаб яралган инсон беқарор?  
Қиш бўлса, қўмсайди ёзнинг тафтини  
Бетоқат бўлади ёзда истаб қор....

**Тилак**

Ҳар куннинг тонглари мунаввар отсин,  
Барқ урган чечаклар кўрмасин завол.  
Ҳар киши бахт майин сурурла тотсин  
Яшамоқ ҳеч кимга келмасин малол.

Осмоним хуршиди турсин чарақлаб  
Юраклар ҳар лаҳза умидга тўлсин.  
Ёш эмас, кўзларда яшнасин умид  
Борлик шукронаси кўриниб турсин.

Шодликка тўлади дилингиз тинглаб,  
Болалар кулгуси - энг ширин садо.  
Ва тинчлик васфини айтиб чаманлар  
Унга ҳамроҳ бўлсин ҳар тонгги сабо.

**Қаноат**

Орзулар селига чўмилиб инсон,  
Истамоқ бўлади бахту саодат.  
Бу йўлда қалбларга умид бахш этиб,  
Юксак камолотга элтар қаноат.

Яшамоқ илинжи, шукрона ҳисси  
Тинчликдир энг олий тахтдан далолат.  
Шодлигу хуррамлик васфини айтиб,  
Дилга хотиржамлик берар қаноат.

Иймондан нишона ишонч ва сабр  
Покиза қалбларга инъом ҳаловат.  
Ҳазрати инсонга кўрк бериб турган  
Онгу шуурдаги буюк қаноат!

Соҳибжон САРВАРОВ,  
Халқаро иқтисодий муносабатлар йўналиши  
4-курс талабаси

Мен севги ҳақида куйлайвераман  
Мен севги ҳақида куйлайвераман,  
То севги азобин ҳис қилмагунча.  
Мен севги ҳақида сўйлайвераман,  
Муҳаббат нелигин то билмагунча.

Мен севги ҳақида куйлайвераман,  
Муҳаббат нелигин англагунча дил.  
Мен севги ҳақида сўйлайвераман,  
Муҳаббат ўтида ёнгунча кўнгил.

Мен севги ҳақида куйлайвераман,  
Ҳар битта ошиқнинг қалбин этиб шод.  
Мен севги ҳақида сўйлайвераман,  
Вайрона дилларни этгунча обод.

Мен севги ҳақида куйлайвераман,  
Токи ишқ боғлари вайрон бўлмасин.  
Мен севги ҳақида сўйлайвераман,  
Бу боғда ҳеч битта ғунча сўлмасин.

Аёл мадҳи

Дедилар: “Не учун Аёл – муқаддас,  
Не учун аёллар ҳурмати буюк?  
Не учун аёллар мадҳи туганмас,  
Нега У шунчалар муҳтарам, суюк”.

Жавобин бердилар саволга шу он:  
“Аёллар – дунёда мўтабар инсон  
Аёл – бу жуфтингдир... Аёл – бу она.  
Шу боис азиздур, аёл ягона!”

... Ростдан ҳам бу ҳаёт аёллар боис  
Ширин ва мазмунли ўтар, шубҳасиз.  
Негаки аёллар қалбида, албат

Жо бўлган меҳрдан унган муҳаббат!

**Тўлқин АЗИМОВ,  
Информатика ва ахборот технологиялари  
йўналиши 4-курс талабаси**

**Имон боғи**

Имон кўчат экса дил-боққа,  
Имон боғи қуримас экан.  
Ҳаё сувин қуйса гар ақл,  
Илмдан у ободдир секин.

Боққа кирган омонда гўзал,  
Илоҳий ишқ меваси иймон.  
Ҳар кадамда салом, эзгулик,  
Бахт излаган келсин бу томон.

Имон таъриф, китобга сиғмас,  
Қалбда мезон, тарози тўғри.  
Илм, ақл, ҳаё, амал жам,  
Бу инсонлик бузилмас муҳри.

\* \* \*

Мақтамайди одам зотини,  
Татиб кўрган зикр тотини.  
Агар гўзал бўлса ботини,  
Кўринади бахти сўзидан!

Мусулмонга салом калитдир,  
Усиз калом бошлаши зиддир.  
Очиқ чехра саломат диддир,  
Кўринади бахти юзидан!

Ибрат учун боқсам оламга,  
Инсоф қилгум шунда аъзомга.  
Солмас кимки назар ҳаромга,  
Кўринади бахти кўзидан!

Неъмат бисёр ҳалолу поклик,  
Еру само сабаб дон экдик.  
Ҳақ ризқиға шукр борми лек,  
Кўринади бахти тузидан!

Одамлар кўп: турли баланд-паст,  
Бири оқил, бири қилур қасд.  
Дунё иши қилмаса гар маст,  
Кўринади бахт Чўжжиздан!

Инсон қирқда камолга етар,  
Умр тугар, ёшлик ҳам кетар.  
Қишу баҳор нима, ёз ўтар,  
Кўринади бахти кузидан!

Оила бу – муқаддас, азиз,  
Фарзадларнинг одоби лазиз.  
Тарбияси нечук ўғил-қиз,  
Кўринади бахти изидан!

\* \* \*

Илм-давлат, амал бошга тож,  
Экин гўё ҳосилдан хирож.  
Бу дунёдан охиратга бож,  
Ихлос билан қабул бўлади.

Тил сўзлашни хўп қотиради,  
Бунга ким кирмас, ким киради.  
Насиҳатнинг таъсир мақсади,  
Ихлос билан қабул бўлади.

Мушкул бу иш тавсиф, таҳлили,  
Бўйсинмасму қалбига тили?  
Чин ё ёлғон экани дили,  
Ихлос билан қабул бўлади.

Устун келиб дунё ҳислари,  
Ифор эмас, бадбўй ислари.  
Бўлса ҳамки чексиз мол, зари,  
Ихлос билан қабул бўлади.

Кимда анча, кимларда онча,  
Кимдир тикан, кимдир гул ғунча.  
Нимани деб яшади жонча?  
Ихлос билан қабул бўлади.

Бутун само, борлиқ коинот,  
Далил, исбот қилур баёнот.  
Иймон олса бир кун одамзот,  
Ихлос билан қабул бўлади.

\* \* \*

Вақт исрофи энг катта исён,  
Сўнг тинчликнинг кадри бўлакча.  
Соғу тана неъматлар аён,  
Шукр раҳматларга йўлакча.

### **Бобур сиймоси**

Мирзо Бобур туғилган сана,  
Унинг юрти қилар тантана.  
У ким?-Шоҳ ва шоир, дилбар шахс,  
Бу мардларга азал анъана.

Бир томонда шоҳлик машъали,  
Баланд тутмоқ халқига чирок.  
Бир ёнда юрт соғинчи олов,  
Ортса ортди, ўчмади бироқ.

Ватан ёди, подшолик ва ишқ,  
Қайси бири унда мунаввар?  
Юрт севишни Мирзо Бобурдан,  
Ўрганар ким - чин Ватанпарвар!

### **Навоийни танимоқ учун**

Навоийни танимоқ учун,  
Азиз номи сўзлайди ундан.  
Қайга бокма: кўча, боғу роғ,  
Аталади вилоят, туман.

Шоир кимдир? Қалби сўзлайди,  
Қалам, қоғоз фақат таржимон.  
Соф муҳаббат шеърият сафда,  
Иймон дури тизилган маржон.

Не учун деб савол сўрса ким:  
“Навоийни яшатган сифат?”  
Жавоб: -“Шеърмас ёки Хамсаси,  
Сабаб, балки дилда муҳаббат!”

\* \* \*

Уйғонса табиат кўнгил уйғонур,  
Уйғонса майсалар хушгул уйғонур.  
Уйғонса чаманлар булбул уйғонур,  
Биз нечун ғафлатда?- Биз ҳам сездик нур!

Борлиқда инсону наботот, хайвон,  
Ўўхждси яшайди табиат-айвон.  
Табиат уйғонса, хурсанд дил, имон,  
Тутқун, киш захмидан борлиқ энди хур!

\* \* \*

Ҳаёлик-гўзаллик инсон либоси,  
Одамзот наслига зийнат ибоси.  
Қуёшдек чақнаган илм ва одоб,  
Олса ким ушбулар бахт ибтидоси.

Қизларга ярашур ҳаё ва ифбат,  
Яхши хулқ аталур йигитда сифат.  
Ўзин парвонадек отмаса ўтга,  
Соҳиби одоб деб берилур нисбат.

Оналар дунёга келтириб фарзанд,  
Севади, одоби қилади хурсанд.  
Опа-сингил қизлар ёру рафиқа,  
Ҳаё-ла оила, ҳаётингиз қанд.

Аёл соғлом бўлса қалб ила тани,  
Авлодлар бақувват, закий экани.  
Умиди ишончи фарзанд қиз, ўғил,  
Аёлни асрайлик шу бахт маскани.

\* \* \*

Баъзан одам шодлик ё дарддан,  
Дил ҳарорат баён қилади.  
Бу ҳарорат иситса қалбни,  
Муҳаббатни аён қилади.



**Муҳаммадмусо ҲУСАНБОЕВ,**  
Диншунослик йўналиши 2-курс талабаси

**Баҳор нафаси**

Баҳор кириб келди юртим сўроқлаб,  
Совуқ қиш кетмоқда аста йироқлаб.

Бугун ўзгачадир ажиб бу олам,  
Ўзгача порлайди ҳатто қуёш ҳам.

Соғиндим бир сени азиз баҳорим,  
Ҳудди бир келинчак фасли наҳорим.

Қанчалар гўзалсан бетакрор кўркам,  
Дардларга давосан қалбимга малҳам.

Қалбимиз тўлмоқда ширин туйғуга,  
Ўрин йўқ дилларда ҳеч бир қайғуга.

Илк бора очилди гулгун бойчечак,  
Бодом ҳам шошилиб ёзибди куртак.

Байрамлар бисёрдир бу фасл аро,  
Наврўздан таралмиш энг улуғ садо.

Меҳр-муҳаббатдан таралар куйлар,  
Барча бир яхшилик қилмоқни истар.

Дехқон бобо бошлайди азалий ишин,  
Ўйлайди у доимо халқнинг ташвишин.

Ҳар ерда одамлар қилмоқда ҳашар,  
Бу эзгу иш кекса, ёшга ярашар.

Тоғларда лолалар қизарди алвон,  
Шунчалар тароват фасллар ҳайрон.

Гўзалликда беллашар фасли баҳорлар,  
Миллийлиги ярашган ўзбек аёллар.

Қалбимдан сирларим бўлмоқда ошкор,  
Мадҳингни куйласам баҳорим такрор.

## Қаноат ҳақида

Қаноат билан инсон чин бахтига эришар,  
Орзу-умидлар, ҳатто барчасига етишар.

Сабр таги олтиндан, дейФЕ Ғиуғ халқимиз,  
Улуғ деҳқон сабабли жаннатмакон юртимиз.

Борига ҳам қаноат қилган асли бой эрур,  
Шунда қалби хотиржам юрар бўлиб ҳўп мағрур.

Сабр қилинг, дейилган ҳадис-шарифларда ҳам,  
Асли ҳеч тарк этмаган бесабр инсонни ғам.

Қаноат, сабр асли оналарда мужассам,  
Аслида биз уларни қанча эъзозласак кам.

Сабрли бўл, эй дўстим, халқимиздан ол ўрناق,  
Етдик мустақилликка, уни асрамоқ керак.

Онажоним эсласам...

Ёдимдан кетмайди ҳеч,  
Ул умидвор кўзлари.  
Хаёлимда ҳар доим  
Эркалаган сўзлари.

Эслайман кўп, эрта-кеч,  
Меҳрингизга тўймадим.  
Қидирдим сизни, аммо  
Изингизни топмадим.

Афсусдаман минг бора,  
Қадрингизга кеч етдим.  
Наҳот, энди йўқ чора,  
Келасиз деб, кўп кутдим.

Қаердасиз, онажон!  
Қаттиқ соғиндим ахир.  
Унутолмам ҳеч бир он,  
Сабрни дўст қил, тақдир?

Кеч англадим, экансиз –  
Бу дунёда ягона...  
Меҳрибоним эдингиз,  
Энди барча бегона.

Оналарни кўраман,  
Қандай мўътабар улар.  
Сизни эслаб шу онда,  
Кўзларимга ёш келар.

Тушларимга кирсангиз,  
Сизни тўйиб қучаман.  
Насиб қилса қизимга,  
Исмингизни қўяман.